Ушбу сонда:

2 *Газетхон илтимосига кўра* «ЗАНГИОТА» СИҲАТГОҲИ

3 *Бир сафар таассуроти* ЯПОНИЯ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИ

4 ДАВЛАТ ОТА ҚУВОНЧИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

ОЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАТСИЯСИ — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 3 апрел, сешанба № 50 (1064)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ГЕРМАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Германия дунёнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан энг нуфузли давлатларидан биридир. Айниқса, унинг сўнгги йилларда иқтисодий соҳада қўлга киритаётган ютуқлари салмоқли бўлаётир. Германия савдо-сотиқ бўйича дунёда иккинчи, ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича учинчи ўринда турибди. Ҳозир жаҳонда бирор давлат йўқки, унга немислар маҳсулоти ёки технологияси кириб бормаган бўлса. Сабаби ГФРнинг юқори сифат ва нозик дид билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлари аллақачон харидорлар ишончини оқлаб бўлган. Шунинг учун кўпчилик Германия билан манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга, унинг технологиялари ва тажрибаларига таянган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилади. Унинг ана шундай ҳамкорлари орасида мамлакатимиз ҳам бор.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 2-5 апрел кунлари Германияга амалга оширажак расмий ташрифи олдидан Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берар экан, бу ҳақда, жумладан, шундай деди:

- Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигида Германия муҳим ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз билан Германия ўртасида барча соҳаларда манфаатли ва ишончли ҳамкорлик қарор топган ва у йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Бугун юртимизда немис ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган кўплаб қўшма корхоналар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Германияликларнинг юртимиз иқтисодиётига киритаётган сармояси ҳажми ҳам тобора ортиб бораётир. Шу кунгача элликдан ортиқ йирик қўшма лойиҳа амалга оширилган.

Ташриф асносида Германия раҳбарлари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашувлар ўтказилади. Музокараларда нафақат иқтисодий, балки сиёсий алоқаларни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ҳам кенг муҳокама қилинади.

Минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террорчилик, уюшган жиноятчилик ва ноқонуний наркотик савдосига қарши курашда Германия кўрсатаётган ёрдам муҳим ўрин тутади. Шу жиҳатдан, икки давлат ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро алоқаларни янада ривожлантиришнинг ҳам аҳамияти катта. Сўнгги йилларда мамлакатимиз Ички ишлар вазирлиги тизимидан уч мингга яқин ходим ушбу мамлакатда бўлиб, ҳамкасбларининг фаолияти билан танишгани ва тажриба орттириб қайтгани эътиборга молик.

Ўзбекистон билан Германия ўртасида шу кунгача давлат ва ҳукумат, шунингдек, вазирликлар даражасида элликдан ортиқ ҳужжат қабул қилинган. Президентимизнинг ГФРга буюраётган бу галги расмий ташрифи доирасида яна ўндан ортиқ ҳужжат имзоланиши кутилмоқда.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА мухбири.
Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.

ИСЛОМ КАРИМОВ БЕРЛИНГА ЕТИБ КЕЛДИ

БЕРЛИН. (ЎзА махсус мухбири Анвар Каримов хабар қилади). Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг самолёти Берлиндаги Тегел аэропортига келиб қўнди. Ўзбекистон, ГФР ва Европа Иттифоқи байроқлари билан безатилган аэропортда мамлакатимиз раҳбарини Германия Ташқи ишлар вазирлиги протоколи бошлиғи Ю. Штельтцер кутиб олди. Ислом Каримов «Палас Берлин» меҳмонхонасига жойлашди.

(ЎзА).

ШАҲИДЛАР ЁДИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан пойтахтимизнинг Бўзсув канали бўйида бунёд этилган Шаҳидлар хотираси ёдгорлик мажмуи очилганига бир йил тўляпти. Мана шу қисқа давр мобайнида у халқимизнинг энг табаррук зиёратгоҳларидан бири бўлиб қолди.

Ҳар куни кўплаб юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ушбу қутлуғ масканни зиёрат қилиб, Ватан озодлиги, миллат тараққиёти йўлида шаҳид кетган юртимизнинг энг асл фарзандлари хотирасини ёдга оладилар.

Қутлуғ қадамжоларни, қабристонларни обод қилиш, тартибга келтириш халқимизнинг ажойиб фазилати. Юнусобод туман ҳокимлиги ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан куни кеча ўтказилган ҳашар бунинг яна бир яққол далили бўлди. Бу ерга юзлаб туп мевали ва манзарали дарахтлар, гулу буталар ўтқазилди.

- Бир вақтлар бу ер одамлар анча наридан айланиб ўтадиган ҳиллват жой эди, - дейди Мингўрик маҳалласи фахрийлар кенгаши бошлиғи Ш.Абдуллаев. - Болалик чоғларимизда бу ерга яқин келишга юрагимиз бетламас эди, тез-тез ўқ овозлари эшитилиб турарди. Кексалар ўқ овозлари тингач, негадир маъюсланиб қолишар ва юзларига фотиҳа тортишар эди...

Буларнинг мазмун-моҳияти нимада эканини мустақилликка эришганимиздан кейин англадик. Ўша вақтларда қатағон қурбони бўлганлар хотирасига шундай улкан боғ барпо этилди. Бу масканнинг ободлиги ҳар биримизнинг диққат-эътиборимизда. Ҳар баҳорда бу хиёбонга янги нав-ниҳоллар қадаб, гуллар экиб, атрофини доимо саронжом-саришта тутамиз. Бугунги ҳашаргa невара-чевараларимизни ҳам етаклаб келдикки, токи улар ҳам мана шундай дориломон кунларимизни деб шаҳид кетган ота-боболаримиз руҳини ёд этишни ўргансин.

Олим НОРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ФАОЛИЯТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Нукусда Қорақалпоғистон Республикасида болалар ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро конвенцияни амалга оширишга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлар ҳокимлари ўринбосарлари, тегишли вазирликлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар раҳбарлари ва фуқаролар йиғини оқсоқоллари иштирок этди.

Семинар-кенгашда Қорақалпоғистонда болалар ҳақида ғамхўрликка доимий эътибор берилаётгани таъкидланди. Республикада 1500 дан ортиқ умумтаълим ва спорт мактаблари, болалар боғчалари, мактабгача муассасалар фаолият кўрсатмоқда. Ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ҳимояланаётир. «Оналар ва болалар» йилида ушбу фаолият кўлами янада кенгаймоқда.

Семинарда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Қорақалпоғистон Республикаси Жоқарғы Кенгеси раиси Т.Камолов сўзга чиқди.

(ЎзА).

Ижтимоий ҳимоя

Таълим-тарбия муассасаларида маъмурият ва касаба уюшмалари ўртасида тузилаётган жамоа шартномалари педагог ходимлар, талаба ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда меҳнат муҳофазасини кучайтиришда асосий ҳужжатлардан ҳисобланади. Оналар ва болалар йили муносабати билан бу йўналишдаги юмушлар янада кенгроқ мазмун касб этди. Меҳнаткашларга хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш ва айниқса уларнинг фарзандларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ШАРТНОМА ШАРТЛАРИ ҚАТЪИЙ

Хоразм вилоят тармоқ қўмитаси шартнома асосида ўқиётган талаба ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаб келаётгани ана шундай ғамхўрликнинг ёрқин кўринишидир. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, маънавий камолотга етакловчи тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ташкил этиш эса одат тусига кирган.

Урганч Давлат университетида Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси, Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳамда вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган ўқув-семинари ушбу масалаларга бағишланди. Тадбирда тармоқдаги барча бошланғич ташкилотлар фаоллари иштирок этдилар.

— Меҳнаткашлар учун қулай иш шароитлари яратиш меҳнат унумдорлигини таъминлайди, — дейди вилоят тармоқ қўмитаси раиси М.Раҳимова. — Бу уларнинг саломатлиги кафолати ҳамдир. Ўқув-семинарнинг жамоа шартномалари ва келишувларни қабул қилиш тартиб-қоидаларига бағишланиши ҳам бежиз эмас. Бу ҳужжатлар орқали маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ишчи-хизматчиларга қатор имтиёз ва қулайликлар яратиб бермоқда.

Семинарда «Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашда ижтимоий шерикчилик асослари ва жамоа шартномалари ҳамда келишувларни тузиш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги маъруза кўпчиликка маъқул бўлди.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
«Ишонч» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил қабул қилинган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга бағишланган қарорига мувофиқ Халқ таълими вазирлиги томонидан ўқувчиларнинг бахорги Олимпиадасини мунтазам равишда ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бу эса ўз навбатида педагогларга энг иқтидорли болаларни танлаб олиш ва ўқитиш жараёнини таҳлил этиш ҳамда таълим мазмунини такомиллаштириш имконини бермоқда.

ҲАЛИ АТТЕСТАТ ОЛГАНИЧА ЙЎҚ, ЛЕКИН ТАЛАБА

Бу йилги Олимпиадада вилоят босқичида ғолиб чиққан ўрта умумтаълим мактабларининг 240 нафар ўқувчиси иштирок этди. Она тили ва адабиёт, хорижий тиллар, ҳуқуқ, тарих, география, математика, физика, кимё сингари йигирма фан бўйича бўлиб ўтган беллашувларда Тошкент шаҳри, Наманган, Хоразм, Фарғона, Бухоро вилоятларидан келган иштирокчилар айниқса юқори натижага эришдилар.

Олимпиада якунига кўра биринчи, иккинчи, учинчи ўринга лойиқ деб топилган 57 нафар ғолиб бу йил тегишли йўналишлар бўйича олий ўқув юртларига тест имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ШАҲАР ҲУСНИДАГИ ДОҒ»

Газетамизнинг шу йил 27 феврал сонида юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган танқидий мақолада Шўрчи туманида санитария ҳолатининг қониқарсизлиги, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари бўйича ҳеч қандай ишлар қилинмаётгани, устига устак ичимлик суви муаммоси ҳанузгача ҳал этилмаётгани хусусида фикр юритилган эди.

Яқинда ушбу мақола юзасидан таҳририятимизга жавоб хати келди: Унда жумладан шундай дейилади:

«Шаҳардаги ҳамма маҳаллалар ва кўчалар, ариқзовурлар тозаланди, бинолар оқланиб, тартибга келтирилди. «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги»ни ўтказиш даврида 200 мингдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Чиқиндилар бир ҳафта мобайнида шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетилди. Туман ҳокимининг қабул қилган қарорига мувофиқ «Энг яхши кўча», «Энг яхши маҳалла» ва «Энг яхши хонадон» учун совринлар эълон қилинди.

2001 йил 17 март куни ўтган якуний йиғилишда Шўрчи шаҳридаги А.Темур кўчаси ҳамда «Бўстон» маҳалласи ғолиб деб топилди. Ғолибларга туман ҳокимининг қимматбаҳо совғалари берилди. Шунингдек, Шўрчи дон маҳсулотлари корхонаси ҳам тақдирланди.

Туманда ва Шўрчи шаҳрида ободонлаштириш ишлари иккинчи босқичи апрел ойида ҳам давом эттириладиган бўлди. Бунда шаҳардаги бир қатор қурилиши битмаган иншоотларни ишга тушириш юзасидан ишлар олиб борилади.

Маҳаллалар ва кўчаларда белгиланган жадвал асосида чиқиндиларни ташиб чиқариш вазифаси туман коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Х.Зиядуллаев зиммасига юклатилди.

Ибн-Сино маҳалласи, А.Шамкаев, В.Қодиров кўчаларида яшовчи аҳоли ичимлик суви билан ҳозирги кунда тўлиқ таъминланган.

Маҳаллалар, кўчаларнинг санитария ҳолатини ҳар ҳафтада текшириб бориш туман санитария-эпидемиология назорати бошлиғи К.Жабборов зиммасига юклатилди.

Б.АЛИҚУЛОВ,
Шўрчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари, шаҳар ҳокими.



Қарши шаҳридаги Насафий номидаги марказий кутубхона жамоаси юртимиз мустақиллигининг 10 йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. Хусусан, «Ўзбекистон — истиқлол йилларида», «Мустақиллик ютуқлари», «Ўзбекистон — келажаги буюк мамлакат» каби ўнлаб китоб кўргазмалари ўтказилмоқда. Ижодкорлар билан учрашувларнинг тез-тез уюштирилиши кўпчиликда катта таассурот қолдираяпти.

372 минг 550 китоб фондига эга бўлган кутубхонанинг ўз китобхон ва мухлислари бор. Уларга 55 нафар кутубхоначи хизмат қилмоқда.

Суратда: китобхон Дилбар Абзалова.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

Инсон омилига эътибор

МАОШДАН ҚАРЗДОРЛИККА БАРҲАМ БЕРИЛДИ

«Сирдарёгаз» қаддини тиклай оладими? Бу жумбоқли савол узоқ йиллар ўз ечимини топмасдан келди. Жамоага серғайрат, ишчан раҳбар келгачгина муз эриди.

Наврўз бир ой деб бежиз айтишмайди. Биз ҳам байрам баҳонасида корхонада бўлдик.

— Тўйга тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Жуманазар Исмоилов. — Ходимларимиздан бири — Исмоил Жўраевни уйлаяпмиз. Барча сарф-харажатлар корхона ва касаба уюшма ҳисобидан қопланадиган бўлди.

Шу куни «Сирдарё» меҳмонхонаси ошхонаси жамоа аҳли, меҳмонлар билан гавжум бўлди. Келин-куёвларга дил қатидаги эзгу тилаклар билдирилди. Маъмурият вакили ёшларга чўғдек гилам ва телевизорни тўёна сифатида топширди. Ойлик маошининг ўн беш баробари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

— Қарийб чорак асрдан буён шу жамоада ишлайман, — дейди ҳайдовчи Абдураҳмон Холиқов. — Очиғи, бундай савобли ишга илк бора қўл урилаяпти. Наврўз тантаналарига уланиб кетган никоҳ тўйи жамоамиз нақадар аҳиллигини кўрсатди, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, кейинги олти ой газчилар учун бир неча довондан муваффақиятли ўтишга имкон яратди. Ойлик маошдан бир неча миллион сўмлик қарздорликка барҳам берилди. Ўртача даромад ошди. Ишчилардаги ишга хафсаласизлик ўрнини меҳр-садоқат эгаллай бошлади. Бунинг сабабини қуйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин. Чунончи, «Оналар ва болалар йили» муносабати билан тизимда ишлаётган 180 нафар аёлга 5 минг сўмдан ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Эндиликда улар ҳомиладорлик таътилига 7 ойдан эмас, балки 5 ойдан чиқиш имконига эга бўлишди. Ишчиларнинг беш ёшгача бўлган фарзандларига 3 минг сўмдан моддий мадад берилди. 2001 ўқув йилидан бошлаб эса бошланғич синфга борувчиларга бепул кийим-бош олиб бериш ҳам кўзда тутилмоқда.

— Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги шарофати билан 50 сотих ерда боғ барпо этдик, — дейди «Сирдарёгаз» касаба уюшма қўмитаси раиси Маъмурали Эгамбердиев. — Бу ерда ишдан бўш пайтлар ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар яратилди. Йил бошидан ишчи-хизматчилар бепул тушлик билан таъминлана бошланди. Корхонамиз узоқ йиллик депсинишдан энди оёққа тураяпти. Ўйлаймизки, ютуқларимиз кўпайган сари ижтимоий ҳимоя қамрови ҳам кенгаяди.

Жамоа аҳли инсон омилига эътибор кучайганидан мамнунлигини изҳор қилди. Демак, изланиш, интилиш бор жойда албатта қут-барака бўлади.

Нурулла ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

Кўрик-танлов

ОНАЛАРИ ЭЪЗОЗЛИ, БОЛАЛАРИ АРДОҚЛИ ЮРТ

Ғиждувон тиббиёт билим юртида «Оналар ва болалар йили»га бағишлаб «Оналари эъзозли, фарзандлари ардоқли юрт» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди.

Тадбирда 11 нафар иқтидорли талаба ва уларнинг оналари иштирок этишди. Йигит-қизлар «XXI асрда Ўзбекистон Республикасини қандай тасаввур қиласиз?», «Ватан туйғуси нима?», «Авесто тўғрисида тушунчангиз?», «Зулфия мукофоти нима ва у кимларга берилади?» «Шарқона кийиниш одоби», «Сиз ҳуқуқни биласизми?» ва шунга ўхшаш бир қатор саволларга жавоб бериш орқали билимларини синаб кўрдилар. Гулмира Жўраева, Умида Мухторова, Фарида Жумаева ва бошқа талабалар кўрик-танловда ўзларининг зукколикларини намойиш этдилар.

Шу куни билим юрти маъмурияти иқтидорли талабалардан 25 нафарини 3000 сўмдан, ўқитувчи-мураббийлардан 62 нафарини 4000 сўмдан ва бола парвариши билан банд ходимлардан 10 нафарини 5000 сўмдан моддий рағбатлантирди. Ундан ташқари, Ғиждувон туманидаги фермер Жамшид Расуловнинг ҳам иштирокчиларга қимматбаҳо совғалари ҳадя этилди.

Вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Ш.Султонов тадбирни ташкил этишда фаол қатнашган билим юрти мутахассислари Шоҳиста Ортиқова ва Илҳом Холмуродова эсдалик совғаларини топширди.

Тадбир давомида талаба ёшлар қўли билан тикилган зардўзлик ва бошқа матолар кўргазмаси ташкил этилди. Унинг сўнггида вилоят «Умид» ёшлар театри жамоасининг катта концерти бўлди.

ФАОЛЛАР ЎҚУВИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, аҳоли фаровонлигини ошириш, шаҳар-қишлоқларимизни янада кўркамлаштириш, ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларнинг кириб келиши энг оммавий жамоат ташкилоти ҳисобланган касаба уюшмаларининг олдига ҳам катта вазифаларни қўймоқда. Хўш, бундай шароитда касаба уюшмалари ўз фаолиятини қай тарзда йўлга қўймоғи керак? Наманган вилоят касаба уюшмалари кенгашининг жойларда ташкил этган ўн кунлик кўчма семинар-ўқуви ҳам айнан ана шу масалага қаратилди.

Семинар-ўқув режасига кўра кенгаш раиси ва раис ўринбосарлари, бўлим мудирлари, вилоят олий ўқув юртларининг масъул ходимлари шу куннинг энг муҳим масалалари ҳамда касаба уюшмаларининг олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган мавзуларда маърузалар қилишди.

Шунингдек, семинар-ўқувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг кўчма сайёр йиғилишида билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб қандай тадбирлар белгиланганини ва ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Семинар-йиғилишларда туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари ҳам иштирок этдилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

ҲУНАРМАНД КЎПАЯВЕРСИН

Мустақиллик йилларида тадбиркорликка кенг йўл очилгани туфайли Андижонда ҳам халқ ҳунармандчилиги тез тараққий этмоқда. Мисол учун зардўзлик, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги, уй-рўзғор буюмлари ва ғоят чиройли тикилган миллий кийим-кечакларни бозорларда кўплаб учратиш мумкин. Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан «Устоз-шогирд» ҳаракатининг авж олдириб юборилгани ҳунарманд ёшларнинг кўпайишига туртки бўлди.

Яқинда вилоят тадбиркорлар палатаси ана шу ҳунармандларнинг кўрик-танловини ташкил этди. Унда моҳир зардўзлар, оддий уй-рўзғор буюмини санъат даражасига кўтара олган усталар, ёғоч ўймакорлари, тўн, чакмон, чорси, дўппи, камзул, сўзана тикиш чеварлари ўз маҳсулотларини намойиш этдилар.

Танловда жамоа бўйича «Лобар» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси, шахсий маҳоратда эса уста Абдуллажон Жўрабоев бош мукофотга сазовор бўлдилар.

М.АБДУКАРИМОВ.

Бор бўл, оқибат!

НОГИРОНГА ФЕРМЕР МАДАДИ

Арнасой туманида ўтган йили мавжуд 18 та хўжалик фермер хўжаликлари уюшмасига айлантирилди. Айни пайтда бу ерда 450 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Шу боис туманда иқтисодий ўсиш тезда сезилиб қолди.

Туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимида 2265 нафар нафақахўр ҳамда 423 нафар турли гуруҳдаги ногиронлар рўйхатга олинган. Уларга ҳар ойда 16 миллион 251 минг сўм нафақа пули тарқатилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 7 декабрдаги Қарорига асосан 31 нафар ёлғиз нафақахўр ва 423 нафар ногирон туман ҳокимининг фермойишига биноан оталиқ ташкилотларига бириктирилди. Мана, икки йилдирки, арнасойлик 450 нафар тадбиркор ногиронларга саховат кўрсатиб келишмоқда. Ўтган йили уларга 922 минг сўмликдан кўпроқ моддий ёрдам берилди. Мададга муҳтожларнинг табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви тўловларини фермерлар ўз зиммасига олганлиги эса кам таъминланганларга меҳр-оқибат кўрсатишнинг ёрқин далилидир.

— Барча фермер хўжаликлари ногиронларга баҳоли-қудрат ёрдам беришаётир, — дейди туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Абдураҳмон Қўқанов. — Абдуали Мамараҳимов раҳбарлик қилаётган «Миришкор», Саъдулла Эшбоев бошлиқ «Эшбой ота» фермер хўжаликлари бултур савоб ишга 100 минг сўмликдан ортиқ маблағ сарфлаб кўпнинг дуосини олдилар.

Бундан ташқари, ногиронларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларига ҳам алоҳида масъулият билан ёндошилмоқда.

Шунингдек, улуғ айём кунларида фермер хўжаликлари ҳамда оталиқ ташкилотлар тумандаги 80 нафар уруш, меҳнат фахрийлари, ногиронлар ҳамда 250 та кам таъминланган оилаларнинг ҳар бирига 6 минг сўмликдан совға улашдилар.

Бўрибой НОРҚУЛОВ, «Ишонч» мухбири.

Газетхон илтимосига кўра

«ЗАНГИОТА» СИҲАТГОҲИ

бу ерда буйрак касаллигини даволашда бой тажриба тўпланган

Саломатлик инсон учун энг бебаҳо бойлик. Лекин унинг қадр-қиммати ёшликда, инсон танжони бардамлигида кўпда билинмайди. Фақат хасталангандагина ёдига шифокор тушади. Умид, ишонч билан унга мурожаат этади.

— Неча йиллардан буён мени бир дард қийнаб келар эди, - дейди Боёвут туманидаги нотариал идора мудири Раҳима Мингбоева, — кейинчалик буйрагимда тош борлигини билдим. Шифо истаб, «Кисловодск» санаторийсида ҳам бир неча марта бўлдим. Маъданли сувга тушдим. Нафини билмадим. Шифобахшлик хусусияти ҳаммасидан юқори, кўпроқ самара берадиган сув ўзимизда эканлигини аввалроқ билмаган эканман. «Зангиота» сиҳатгоҳи ҳақида эшитиб, йўлланма қидирдим. Келганимнинг биринчи ҳафтасиданоқ жисмимда енгиллик сеза бошланди. Юзимдаги шишлар кетиб, буйрагимдан қум ажралиб чиқа бошлади. Ходимлар хушмуомала. Даво муолажалари яхши, овқатлари мазали. Аҳил жамоа аъзолари хизматидан мамнунман. Ҳаммаларига раҳмат.

— Дўхтир болаларим омон бўлишсин, - суҳбатга қўшилишди Ўрта Чирчиқ туман Ўрта сарой қишлоғида истиқомат қилувчи нафақадаги Абдусаттор Товбоев ва Абдусамат Мўминқуловлар, — муолажалардан бир даво топсак, ҳамшира қизларнинг ширин муомаласидан ўн шифо олаяпмиз.

Бундай илиқ гапларни кўпчиликдан эшитиш мумкин. 80 ўринга мўлжалланган буйрак-тош, асаб касалликларига ихтисослашган ушбу шифо масканидан чиқаётган маъданли сув таркиби бром, кремний моддаларига бой, унда йод, фтор борлиги аниқланган. Шифобахш сувни ичган албатта нафини сезади. Маълум муддат ўтиб дардларидан фориғ бўлади, ўзини бардам ҳис этади. Шунингдек, ундан ванна қабул қилиш йўли билан ҳам фойдаланилади. Физиотерапевтик муолажаларнинг ҳамма тури, жумладан балчиқ ва игна билан даволаш ҳам йўлга қўйилган. Тажрибали шифокорлар Муҳаббат Ғафурова, Нигора Исхонбекова, ҳамширалардан Соҳиба Норалиева, Марҳамат Болтабоева, Салима Ашурова, Дилрабо Жамолхўжаевалар-нинг хизматидан кўпчилик мамнун.

Шаҳарнинг шовқинларидан узоқда, манзарали дарахтлар билан ўралган ушбу сўлим масканда саломатлигини тиклаб дам олиш истагида бўлган кишиларни қабул қилишга ҳамма шароит бор. Инсон эзгу ниятларига етиши учун аввало соғлом бўлиши керак. Шундай экан, турмуш ташвишларини вақти-вақти билан унутиб, жаннатмакон гўшада ҳордиқ чиқариб, даволаниб, ҳаёт лаззатларидан баҳра олганга нима етсин!

Темур ҲАЙДАРОВ.

ИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Манғит шаҳрида Амударё туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими ҳамда туман ҳуқуқ-тартибот идоралари ташаббуси билан ўтказилган бўш иш ўринлари ярмаркаси самарали якунланди. Тадбирда қатнашган 108 корхона, муассаса ва ташкилот талабгорларга мингдан зиёд иш ўрнини таклиф этди. Меҳнат бозорига келган юзга яқин йигит-қиз янги иш жойларига йўлланма олди.

САВДО ЯРМАРКАСИ

Қарши шаҳридаги «Қашқадарёулгуржибиржасавдо» ҳиссадорлик жамиятининг кўргазмалар залида қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотларнинг доимий савдо ярмаркаси иш бошлади.

Унда икки юзга яқин корхона ва ташкилот ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Бу ерда воҳадаги йирик саноат корхоналари -»Қашқадарёмармар», «Шаҳрисабзмебель», «Қаршимебель» ҳиссадорлик жамиятлари, Қарши механика-таъмирлаш, темир-бетон буюмлари, ёғочга ишлов бериш заводлари билан бир қаторда кичик ва хусусий корхоналар, тадбиркорлар ҳам ўз маҳсулотларини намойиш қилмоқда. Айниқса, «Равшан-БА», «Марказий Осиё дурдонаси», «Бобоёр», «Моҳир ҳунарманд», «Найман-ЭХ» кичик корхоналарида ишлаб чиқарилган безакли сопол ғишт, плитка, эшик ва ромлар, ўқув парталари харидорлар диққатини жалб этмоқда.

Ярмарканинг биринчи иш кунида ишлаб чиқарувчилар билан харидорлар ўртасида 300 миллион сўмлик шартнома имзоланди.

Янгийўлдаги автомобил йўлларидан фойдаланиш ва таъмирлаш-тажриба экспериментал очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ДЭУ экскаваторлари учун гидроцилиндрлар ишлаб чиқарила бошланди. Бу иш билан 83 нафар киши машғул бўлиб, уларнинг ўртача маоши 15-20 минг сўмни ташкил қилмоқда. Аҳил жамоа ўтган йилни 35 миллион сўм соф фойда билан якунлади. Мазкур корхона меҳнаткашлари бу йил шундай гидроцилиндрлардан 100 донасини тайёрлашга буюртма олдилар.

— Энди эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўймоқчимиз, - дейди жамият раиси Пирназар Ташимов. - Бунинг учун Тошкентдаги экскаватор заводидан мутахассисларни таклиф этдик, ишчиларимизни ўқитдик. Шунингдек, уларни кучли ижтимоий ҳимоялаш тадбирларини ҳам кўряпмиз. 30 фоиз арзонлаштирилган баҳода овқат тайёрланади. Ишга келиб-кетишлари учун автобус ажратилган. Бу эса белгиланган режаларнинг бажарилишида муҳим омил бўлмоқда.



Суратларда: жамоа раҳбари Пирназар Ташимов ва токар Абдурасул Абдуллаев; буюртмачиларга жўнатишга тайёрланган гидроцилиндрлар.

Х.МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.

Рағбат

КАСАБАҚЎМ МУКОФОТИ

Мустақилликнинг 10 йиллиги нишонланадиган амалдаги йилда Кегейли туманида салкам ўн тўрт минг гектар ерда деҳқончилик қилинади. Баҳорги экин-тикин мавсумининг сифатли ўтказилиши эса техникаларнинг самарали ишлатилишига боғлиқ. Буни яхши тушунган туман машинатрактор парки жамоаси техникаларни таъмирлаш ишларини юқори савияда ўтказди. МТП цехларидан юзга яқин ҳайдов тракторлари, ҳар хил русумдаги насослар ва бошқа хил механизмлар кўнгилдагидек созланиб, хўжаликларга етказиб берилди. Шу муносабат билан байрам арафасида ишловчилар орасидан ғолиблар аниқланиб, уларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маъмурият ва бошланғич касаба уюшма қўмитасининг таъсис этган пул мукофотлари усталар Мақсет Қўшчонов, Шинибой Пердебоев, электр пайвандловчи Ўрозғали Холбоевларга топширилди.

Шунингдек, ишлаб чиқаришда яхши натижаларга эришган 10 нафар ишчи рағбатлантирилиб, уларга касабақўм мукофотлари, эсдалик совғалари, фахрий ёрлиқлар насиб этди.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири.

Оқсим хавфли касаллик

Европа мамлакатларини безовта қилган оқсим (яшчур) касаллиги Марказий Осиё давлатларига ҳам етиб келди. Қўшни республикаларда вужудга келган бундай эпизоотологик ва эпидемиологик вазият фавқулодда ҳушёр бўлишимизни тақозо этмоқда.

МУСТАҲКАМ ТЎСИҚ ҚЎЙИЛДИ

репортаж

Шуни ҳисобга олган Қашқадарё вилояти давлат санитария-эпидемиология назорати ва ветеринария бўлими ходимлари ички ишлар, чегара қўшинлари, божхона қўмитаси ва кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда оқсимга қарши кураш чора-тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Қарши — Керки автомагистрали Ватанимиз жанубий чегараларидаги энг серқатнов йўллардан биридир. Биз вилоят Давлат санитария-эпидемиология маркази бош врачи Азиз Ҳасановни 5-божхона постида учратдик. Унинг ёнида вилоят ветеринария бўлими бошлиғи Ўктам Муродов, давлат санитария назорати маркази ўта хавфли ва карантин касалликлари бўлими бошлиғи Равил Музаффаров, Нишон туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи Қудрат Бекмаматовлар бор эди.

— Ҳозиргина биз ветеринария ва санитария назорати пунктлари ишини таҳлил қилдик, - дейди А.Ҳасанов. - Жанубий чегараларимизда оқсим касаллигининг олдини олиш учун ҳамма шароитлар яратилган. Тажрибали мутахассислар, санитария, ветеринария врачлари, карантин ходимлари ва дезинфекторлардан иборат тезкор гуруҳ кеча-ю кундуз ишлаб турибди.

Ҳасан Дўстмуродов раҳбарлик қилаётган санитария назорати пункти фаолияти билан танишдик. Пунктга 3 та ҳаракатдаги постлар ҳам қарайди. Эпидемиолог ёрдамчилари Бозор Абулов, Тошкент Аҳмедов, ҳаракатдаги пост ходимларидан Исмат Назаров, Сафар Сувоновлар оромни унутиб, куну тун сергак туришибди.

— Катта йўлдан ўтадиган ҳар бир транспорт ва аҳоли назоратдан ўтказилади, - дейди биз билан суҳбатда Таллимаржон ветеринария назорати пости бошлиғи Бойқобил Азизов. - Постларимизда дезбарьер ва дезематлар керакли асбоб-ускуналар, зарарлантирувчи моддалар билан таъминланган.

Вилоятнинг Нишон, Усмон Юсупов, Баҳористон, Деҳқонобод туманлари санитария хизматлари оқсим касаллигига қарши ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Ушбу касалликнинг олдини олиш бўйича доимий ҳаракатдаги штаблар ишлаб турибди. Белгиланган тадбирларнинг бажарилиши ҳар куни таҳлил этиб борилмоқда.

Вилоятдаги 13 та божхона постларида санитария-эпидемиология, ветеринария ва ўсимлик карантин инспекциялари ходимларининг доимий навбатчилиги ташкил этилган.

Ҳозирга қадар жойлардаги гўшт дўконлари 400 марта, бозорлар 109 марта текширилди ва тегишли қоидаларни бузганликлари учун айбдор шахсларга 831850 сўм жарима солинди. 38 та гўшт дўконларининг иш фаолияти тўхтатилди. Радио, телевидение ва матбуот орқали чиқишлар уюштирилиб, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Корхоналар, ташкилот ва муассасалар, хўжаликлар ва аҳоли ўртасида оқсимдан эҳтиёт бўлиш ва унинг олдини олиш чоралари бўйича варақалар тарқатилди.

Мавжуд сув омборлари, ичимлик суви тарқатадиган объектлар, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, ферма ва отарлар текширишдан ўтказиб борилмоқда.

Вилоят бўйича 600 минг бош қорамол, 500 минг бош бузоқ оқсимга қарши эмлаб чиқилади. Зарур миқдордаги вакциналар келтирилиб, жойларга етказилди.

Ҳа, оқсим касаллигининг олдини олиш учун бугун ҳар бир киши ўзини масъул деб билиши лозим. Халқимиз бежизга «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшнингни ўғри тутма» демаган.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

Бир сафар

ЯПОНИЯ

Халқаро меҳнат жамғармаси - ЖИЛАФ таклифи ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсиясига мувофиқ Сирдарё вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раиси Носирхон АКБАРОВ тажриба алмашиш мақсадида Японияда бўлиб қайтди. Мухбирларимиз у билан учрашиб, сафар таассуротлари юзасидан бир неча саволлар билан мурожаат қилдилар:

- Носирхон Асқарович, Халқаро семинарга кимлар таклиф қилинди, ундан асосий мақсад нима эди?

- Японияни ҳамма субҳидам, яъни Кунчиқар мамлакати, деб тилга олади. Японлар бу билан ҳақли равишда фахрланишини ҳис этдик.

Япония - саноат, жумладан, электроника соҳасида энг тараққий этган давлатлардан бири. Мамлакат аҳолиси меҳнаткаш, тадбиркор эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ишчилар ўз корхонаси обрўйи учун куч-ғайратларини аяшмайди.

Японлар ниҳоятда меҳмондўст халқ экан. Уларнинг ҳар бири хориждан келган меҳмонларда ўз мамлакати ҳақида аъло таассурот қолдиришга ҳаракат қилади. Кўчалардаги фаррошлар тоза кийим кийиб, бўйинбоғ тақиб ишлашини кўрдик. Ишлаб чиқаришда ҳам тозалик ва орасталикка катта эътибор беришади.

Сафардан кўзланган ният эса хориж касаба уюшмалари тажрибасини ўрганиш, зарур топилганларини ўзимизда татбиқ этиш эди. Сабаби - Япония ўз иқтисодиётини бозор муносабатлари асосида қуриб келаётган давлат. Халқаро семинарда яна Болтиқбўйи республикалари - Латвия, Литва ва Эстониядан борган касаба уюшмалари раҳбарлари, Мўғулистон вакиллари иштирок этишди.

Таклифдан асосий мақсадлардан бири - хориж мамлакатлар билан алоқаларни ривожлантириш ва шу асосда ўзаро бир-бирини англаш жараёнини чуқурлаштириш, шунингдек, ривож топаётган мамлакатлар иқтисодиётига кўмак беришдан ҳам иборат эди.

Сафаримиз чоғида японлар биздан ўз амалий ёрдамларини аяшмади. Ижтимоий ривожланиш, касаба уюшма ходимларини тайёрлаш, малакасини ошириш, ўқув қўлланмалари билан таъминлаш, халқаро фаолият билан шуғулланадиган касаба уюшма намоёндалари фаолиятини ташкил қилиш каби соҳаларда назарий ва кўргазмали сабоқ олдик.

- Сизнингча, Япония касаба уюшмалари тизими, фаолият йўналишлари, бизникидан фарқи, афзал жиҳатлари нимада?

Ҳуқуқингизни биласизми, бурчингизни-чи?

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Урганч шаҳар Ҳамза номли ўрта мактаб мажлислар залида «Мустақиллик» номли маҳалла фуқаролари билан солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар раҳбар ходимларининг очиқ мулоқоти бўлиб ўтди.

Хоразм вилояти давлат солиқ бош-қармаси ташаббуси билан бундай учрашув олдинроқ шаҳардаги Комилжон Отаниёзов номли маҳаллада ҳам ўтказилган эди. Ушанда учрашув қатнашчилари, солиқ, божхона, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар фаолиятига оид кўпгина саволларга жавоб олган ва юзма-юз мулоқотларни ҳар бир маҳалла, ҳар бир меҳнат жамоасида ўтказиш зарурлигини таъкидлаган эдилар. Аҳолининг таклиф ва истаклари асосида ўтказилган навбатдаги мулоқот ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Саволлар турли мавзуларда бўлди. Уларга вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Исмат Қўзиев, вилоят божхона бош-қармаси бошлиғининг ўринбосари Ойбек Қурбонов, вилоят жиноят ишлари бўйича суд раиси Султонбой Хўжамуродов, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Рус-там Кенжаев ва бош-қа мутахассислар жавоб бердилар.

Залга йиғилганлар турли соҳа вакиллари эди. Бугунги кунда маҳаллада 7,5 минг аҳоли истиқомат қилаяпти. Уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланмоқда. Шу боисдан ҳам тушган саволлар турли мавзуларда бўлди ва уларга малакали жавоблар берилди.

Жасур НОСИРОВ,
Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати бош мутахассиси.

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

САВОЛ: иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси тузишда ва кейинчалик иш давомида тиббий кўрикдан ўтиш пулликми? Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1999 йил 5 августдаги хатида тиббий кўрикдан ўтиш пуллик деб кўрсатилган. Шу тўғрими?

З.АСИЛГАРАЕВА, Р.РЎЗМЕТОВА, Ш.АҲМЕДОВ,
Беруний туманидаги 49-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари номидан (жами 50 имзо).

ЖАВОБ: бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишдаги бешта асосий тамойиллардан бири — бу қонун устуворлигидир. Уни оғишмай амалга оширишда ҳар бир раҳбар масъулият ва бурчни ҳис этмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига тиббий кўрикдан ўтишга доир алоҳида 214-модда киритилган. Унда иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки ва иш давомида вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтказилиши зарур бўлган ходимлар кўрсатиб ўтилган. Булар:

ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;

олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;

ногиронлар;

меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;

умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга тарбия ва таълим бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлар.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтилиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2000 йил 6 июндаги 300-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Тиббий кўрикдан ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ходимларнинг меҳнатидан уларнинг соғлиғига тўғри келмайдиган ишларда фойдаланишга йўл қўймасликдир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни иш берувчидан талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилишида ходимлардан ҳеч қандай пул олинмайди. Қонунга биноан ходим тиббий кўрикдан ўтишда қандай турдаги поликлиника хизматидан фойдаланишидан қатъий назар чиқимдор бўлиши керак эмас.

Агар фақат хусусий поликлиникадан тиббий кўрикдан ўтиш юқори тиббиёт муассасаси томонидан белгиланган бўлса, тиббий кўрикдан ўтиш билан боғлиқ барча харажатлар тиббиёт муассасаси томонидан тўланиши керак.

Прокуратура тўғрисидаги Қонунга мувофиқ қонунлар тўлиқ бажарилишининг умумий назорати Ўзбекистон Бош прокурори ва жойлардаги прокурорларга юклатилган. Шу сабабли Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббий кўрикдан ўтишни пуллик қилганлиги борасидаги хатини бекор қилиш тўғрисида прокуратурага мурожаат қилишга ҳақлисизлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

98-КОНВЕНЦИЯ

Жамоа музокараларини ташкил этиш ва юритиш ҳуқуқи принципларини қўлланиш тўғрисидаги 1949 йил Конвенцияси

(қисқача мазмуни)

Меҳнаткашлар меҳнат соҳасида бирлашиш эркинлигини чеклайдиган ҳар қандай камситувчи ҳаракатларга қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар. Бундай ҳимоя меҳнатчи касаба уюшмасига кирмаган ёки ундан чиққан тақдирда ишга қабул қилиш ёки иш жойини сақлаб қолиш шартларига нисбатан, меҳнатчига уни ишдан бўшатилаётганда ёхуд унинг касаба уюшма аъзоси эканлиги ёки касаба уюшмаси фаолиятидаги иштироки сабабли унга бошқа бирор-бир зарар етказишларга нисбатан қўлланилади.

Меҳнаткашлар ва уларнинг фаолият ташкилотлари ушбу ташкилотларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши ҳамда бошқарилишига бир-бирлари томонидан ёхуд уларнинг агентлари ёки аъзолари томонидан ҳар қандай аралашиш ҳолатларига қарши тегишли ҳимоядан фойдаланадилар.

Жумладан, меҳнаткашлар ташкилотларини тадбиркорлар ёки тадбиркорлар ташкилотлари ҳукмронлиги остида таъсис этиш ёхуд меҳнаткашлар ташкилотларини молиялаштириш йўли билан ёки бошқача тарзда қўллаб-қувватлаш мақсадидаги хатти-ҳаракатлар аралашув деб ҳисобланади.

Зарур бўлган жойларда ташкилот фаолиятини таъминлаш мақсадида аппарат тузилади ҳамда тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасида жамоа шартномалари тузиш йўли билан меҳнат шароитларини тартибга солиш учун музокаралар олиб бориш тартиботларини тўла ривожлантириш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш ҳамда унга кўмаклашиш чоралари қўлланилади.

Ушбу Конвенцияда назарда тутилган кафолатлар қуролли кучларга ва полицияга қай даражада қўлланилиши мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилади. Конвенция давлат хизматчиларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шарҳи.

Ушбу Конвенция ХМТнинг саккизта асос солувчи Конвенцияларидан бири бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 йил 30 августда ратификация қилинган.

Фуқароларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида эътироф этилган.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонунга биноан касаба уюшмаси, республикага доир жамоат бирлашмаси сифатида, расмий рўйхатдан ўтиш учун ўз аъзолари сифатида камида уч минг кишини бирлаштириши зарур.

Республикамиз қонунчилигида иш берувчиларга ҳам ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун бирлашиш ҳуқуқи берилган. Хусусан, Меҳнат кодексининг 28-моддасида қуйидагилар кўзда тутилган: «Иш берувчилар уюшмаларга, ассоциацияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига бирлашишга ҳақлидир. Иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари ва ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларида корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир».

Шунга ўхшаш принциплар «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари тўғрисида»ги Қонунда ҳам қўлланилган. Мазкур Қонунга биноан товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси нодавлат нотижорат ташкилоти бўлиб, тармоқ бирлашмаларига кирмаган кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларини шартнома асосида бирлаштиради. Палата давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида, жамоат ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан, бошқа мамлакатларда ҳам товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар манфаатларини ифодалайди.

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига ва Меҳнат кодексининг 6-моддасига биноан касаба уюшмалари аъзоларига нисбатан ҳар қандай камситиш таъқиқланади.

Саволингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош АҲМЕДОВ жавоб беради

САВОЛ: Мен 1972 йилдан ўқитувчилик фаолиятимни бошлаб, сўнгра «Украина» давлат хўжалигида директор ўринбосари, касаба уюшма қўмитаси раиси ва 1998 йилдан яна ўқитувчилик қиляпман. 55 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгаманми?

Т.МАМАТҚУЛОВ,
Мингбулоқ тумани.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришлар, корхоналар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхати асосида имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи»ни берувчи 3-рўйхатнинг 7-қисмига асосан:

- тўлиқ иш куни мобайнида бевосита болалар билан шуғулланувчи педагоглар;

- мактаб директорлари, халқ таълимининг бошқарув шўъбаларидаги мутахассислар ва раҳбарлар тўлиқ бир ставкада 25 йил давомида ўқитувчилик ёки тарбиячилик қилган бўлсалар, имтиёзли равишда педагог сифатида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар.

Қоракўл тумани ҳудудида 23 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлиб, уларнинг ҳар бири таркибида туман прокуратурасининг маслаҳатхонаси ташкил этилган. Мутахассислар бу жойларда тез-тез бўлишиб, ёшларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб беришмоқда.

Ёшларни меҳнатга жалб қилиш масаласи ҳам долзарб масалалардан бирига айланган. Шу кунгача ишга лаёқатли, бироқ турли сабабларга кўра бекор юрган ёшларнинг 100 нафардан кўпроғи иш билан таъминланди. 30 нафар йигит-қиз турли йўналишдаги касб-ҳунар ўрганиш даргоҳларига ўқишга жойлаштирилди.

Суратда: туман прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Салим Ашуров фаолиятидан лавҳа.

Р.АСЛОНОВ олган сурат.

Эл осойишталиги йўлида

ПОСБОН ҲАМИША ҲУШЁР

Сариосиё тумани ички ишлар бўлими қошидаги «Халқ посбонлари» ташкилоти ходимлари томонидан моддий бойликларни чегарадан олиб чиқишга уринаётган кимсаларга нисбатан қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ўз манфаатини кўзлаб, халқ ризқига кўз олайтирганлар «Халқ посбонлари» томонидан фош этилаётир.

— ИИБ ҳамда ДАН ходимларига улар доимо кўмакдошдир, - дейди туман «Халқ посбонлари» ташкилоти бошлиғи Мамаражаб Муродов. - Ходимларимиз ҳар бир постда, маҳаллаларда доимо сергаклик билан хизмат қилишиб, халқ осойишталиги, одамлар тинч-тотув меҳнатини таъминлаб келмоқдалар.

Туман эса Тожикистон Республикаси ҳудуди билан туташ. Айрим кимсалар тўғри йўлни ихтиёр этмай, ўғри йўллар орқали чегарадан ўтишга чоғланадилар. Шу боис, халқ посбонлари республика ҳудудидан ноқонуний чиқиб кетаётган моддий бойликларни ушлаб қолиш устида тинмай иш олиб бораётирлар.

Қўшни республикадан юртимизга кириб келиши эҳтимоли бўлган нарсаларнинг йўлини тўсиш борасида ҳам бир қанча ишлар қилинди. Феврал ойида «Халқ посбонлари» томонидан Суфиён ширкат хўжалигининг Ғайрат қишлоғи орқали Турсунзода шаҳрида истиқомат қилувчи Рисолат Алимардонова олиб чиқиб кетаётган 738 минг сўмлик товар моддий бойликлари ушлаб қолинди.

Айланма йўллар орқали Тожикистон ҳудудидан республикамизга гиёҳванд моддалар олиб киришга уринган Тожикистон фуқароси Жамила Нуриддинова ҳам халқ посбонлари қўйган тўсиқдан ўтолмади. Аёлнинг қўл сумкаси текширилганда унда 4,5 килограммга яқин ўта таъсир этувчи «героин» моддаси борлиги аниқланди...

«Халқ посбонлари» туман ҳудудида содир бўлаётган бошқа жиноий ишларни очишда ҳам милиция ходимларига яқиндан кўмак бермоқдалар. Жумладан, Г.Хидиров номли ширкат хўжалигининг Ғалаба қишлоғида яшовчи Султонмурод Назаровнинг бир бош қорамолини ўғирлаб кетаётган бу шахс қўлга олинди. У ҳеч қаерда ишламайдиган Қаҳрамон Эрназаров бўлиб чиқди. Посбонлар ўз постида сергак турмаганларида, ўғрилик орқасидан кун кўрувчи бу шахс бир кимсани қақшатиб кетган бўлур эди.

«Халқ посбонлари» сафида муносиб хизмат қилаётган йигитлардан. Алишер Исомиддинов, Шуҳрат Аннаев, Шойиддин Қосимовлар барчага ўрнак бўлмоқдалар.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

таассуроти

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТИЗИМИ

- Улардаги касаба уюшмаларининг тузилиши биздагидан бирмунча бошқачароқ. Масалан, мамлакатда худди биздагидек тармоқ тизими амал қилади. Бизда туман, шаҳар, вилоят ҳамда марказий қўмиталар фаолият кўрсатса, у ерда фақат регионал, яъни минтақавий мувофиқлаштирувчи - координаторлар мавжуд. Улар сони 47 тани ташкил этади. Жами аъзолари сони эса 6 миллион 750 мингга яқин.

Ўхшашлик жиҳатлари ҳам бор. Масалан, мамлакат касаба уюшмалари конференцияси - РЭНГО ўз олдига қўйган асосий мақсадларига касаба уюшмаларининг жамоатчилик мавқеини ошириш, фуқаролар турмушини юксалтириш, иш шароитларини яхшилаш, меҳнат аҳли ҳуқуқларини ҳимоялаш, ёлланиш ва иш ҳақи барқарорлигини таъминлаш каби вазифалар киради.

Бу борада ўзимизда ҳам етарли тажриба тўпланган. Бунга Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида анъанавий қабул қилинадиган Бош Битимни мисол қилиб келтириш мумкин. Ҳукумат билан айнан мана шу ижтимоий шерикчилик эса юртимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фирмалардаги ишчилар малакаси юқори, маҳорати юксак. Ишлаб чиқаришдаги тартиб-интизом ниҳоятда қаттиқ. Яшаш тарзига келсак, айтиш мумкинки, камтарона ҳаёт кечиришади. Масалан, ўртамиёна япон оиласи хонадонини жиҳозлашда бирорта ортиқчаликни кўрмадик. Яна бир ҳолат: уларда машинанг борми деб эмас, компьютеринг борми, деб сўраш одат экан.

Сиз ҳар иккала мамлакат касаба уюшмалари фаолиятидаги фарқланадиган жиҳатлар ҳамда устувор томонлар ҳақида савол бердингиз. Агар мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, Японияда ва Ўзбекистонда ҳам касаба уюшмалари ўз фаолиятини миллий хусусиятлардан, бошқача қилиб айтганда, маҳаллий менталитетдан келиб чиқиб юритади. Биздаги тажриба уларга, уларники эса биздаги шарт-шароит ва вазиятга тўғри келмайди.

- Халқаро семинардаги маърузалар, ташрифлар ва улардан олган таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз?

- Халқимизда шундай ҳикмат бор: минг марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Японияда ишлаб чиқаришнинг юксак даражада ташкил қилиниши, меҳнат муносабатларининг самарали ҳал этилиши тўғрисида кўп эшитган эдик. Сафаримиз чоғида шунга амин бўлдикки, ҳақиқатан ҳам улардан кўп нарса ўрганса арзийди.

Меҳнат, Соғлиқни сақлаш вазирликларида бўлдик ва маъмурий сиёсат соҳасига доир маърузалар тингладик. Яна бир маъруза «Японияда ишчилар ҳаракати - ҳозирги вазият ва вазифалар» ҳақида бўлди. Учинчиси эса меҳнат муносабатларига бағишланди.

Сўнгра тамаки фабрикасига бордик. Номи - «Ниппон Табако сангё». У ердаги тозалик, орасталик ва тартиб-интизомни кўриб, ҳавасингиз келади. Бироқ, жаҳон андозаларига тенглашаётган Ўзбекистонда ҳам бундай озода корхоналар йилдан-йилга кўпайиб бораяпти. Биргина Гулистон шаҳрини олсак, унда фаолият кўрсатаётган «Сирдарётелеком» ҳиссадорлик жамияти, «Лечива-фармсаноат» қўшма корхонаси бу борада Япония фирмаларидан асло қолишмайди.

- Мезбонларнинг Ўзбекистонга оид фикр-мулоҳазаларини ҳам эшитишга тўғри келгандир?

- Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Япония касаба уюшмалари раҳбарияти Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қараяпти. Акс ҳолда биздан вакил таклиф қилишмасди, деб ўйлайман. Худди шу кайфият шахсий мулоқотларда ҳам, семинарда сўзга чиққанимда ҳам кўзга ташланди. Қисқаси, бизда амалга оширилаётган улуғвор яратувчилик ўзгаришларига улар катта қизиқиш билан қараётганликлари ҳар бир мулоқотда сезилиб турди.

Суҳбатни Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ, Нурилла ШАМСИЕВ ёзиб олди.

Касаба уюшма спорти

ДАВЛАТ ОТА ҚУВОНЧИ

Яқинда Жарқўрғон туманидаги «Сурхон» ширкат хўжалигининг замонавий спорт мажмуи иштирокчилар ва ишқибозлар билан гавжум бўлди. Бу ерда Сурхондарё вилоят касаба уюшмалари кенгаши тасарруфидаги «Жисмоний тарбия ва спорт жамияти» ташаббуси билан ўтказилган 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган спортчиларнинг «Алпомиш» ва «Барчиной» мусобақалари бўлиб ўтди.

Шу ёшдаги эркаклар ва аёллар икки гуруҳда беллашдилар. Хотин-қизлар ўртасида 60 ва 500 метрга югуришда шўрчилик Феруза Султонова, Муяссар Донақулова, олтинсойлик Муҳаббат Чориева, жарқўрғонлик Каромат Ҳасанова, термизлик Наталья Халодова, жарқўрғонлик Адолат Мамадалиева, шўрчилик Турдигул Ашрапова, шўрчилик Лидия Безруклар биринчи ўринни эгаллашди. Улар гавдани кўтариш, узунликка сакраш, теннис коптоги ва граната улоқтириш каби баҳсларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Айниқса, эркаклар ўртасида ўтказилган беллашувлар қизғин ва муросасиз кечди. Улар ёшларига қараб 6 та гуруҳда иштирок этишди. Мусобақа шартига мувофиқ 100, 1000, 5000 метр масофага югуриш, турникда тортиниш, узунликка сакраш, граната улоқтириш бўйича деновлик Бахтиёр Ҳасанов 15-23 ёшлилар орасида мутлоқ ғолиб бўлди. 24-29 ёшлилар ўртасида Қурбон Ғафуров, Йўлдош Темировлар, 30-34 ёшлилардан Мусурмон Валиев, Дилшод Давлатовлар, 35-39 ёшлилар ичида Фахриддин Раҳимов, Рустам Холбоевлар, 40-44 ёшлилардан Нурали Умаров, Аҳмад Йўлдошевлар, 45-49 ёшлилар Равил Гайфуллин, Жовли Нурматовлар, 50-54 ёшлилардан Бозор Бобоев, Юрий Рижковлар, 55-60 ёшли иштирокчилардан Имом Бобилов, Йўлдош Ражабовлар ҳамда Иброҳим Нарзуллаевларнинг қўли баланд келди. Айниқса, 65 ёшлилар орасида жарқўрғонлик Давлат Азимовнинг ҳар бир чиқиши алоҳида таассурот қолдирди.

— Спортнинг барча турлари бўйича тез-тез баҳслар юритиш одат тусини олган, — дейди жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси Рўзи Ўтаев. — Ўтказилган «Алпомиш» ва «Барчиной» мусобақалари ҳам фикримиз далилидир. Мусобақанинг ташкилий томонига ўзларининг беминнат ҳиссаларини қўшган «Сурхон» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти жонкуярларига ўзимизнинг миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

Халқ табобати

ҚОҚИГУЛНИНГ ШИФОБАХШ ХОСИЯТИ

Эрта баҳордан то хазонрезги паллага қадар олтин ранг гулларини кўз-кўз этадиган қоқигулни ким билмайди дейсиз. Уни йўл ёқалари, ариқ бўйлари, боғларда, дала ва сайҳон ерларда, экинлар орасида учратиш мумкин.

Қоқигул кўкати таркибида, шунингдек, гул тўпламларида ксантофиллинлар - лютеин ва параксантин, каротиноидли моддалар, турли витаминлар, органик кислоталар мавжуд. Янги чиққан баргларининг сут ширасида лактуцерал, каучук, холин, аспарагин, сапонинлар, органик кислоталар, мумсимон моддалар бор. Илдиз таркибида эса инулин (40% гача), қанд (20% гача), гликозид, шиллиқ қатрон (смола), сапонин, органик кислоталар, маннит, ошловчи моддалар, каучук, каротиноид, В2 витамини мавжуд.

Қоқигул азалдан халқ табобатида қўлланиб келинади. Масалан, Абу Али ибн Сино ўсимлик ширасси билан жигар касалликларини, сут ширасси билан кўзга тушган оқни даволашни тавсия этган. Бундан ташқари, чаён чаққан жойга қоқигул эзиб боғлаш наф қилишини ҳам айтган. Ер устки қисмидан тайёрланган қоқигул қайнатмаси иситмани пасайтирувчи дори сифатида шамоллашда қўлланилган. Халқ табобатида уни овқат ҳазм қилиш органларининг фаолиятини яхшиловчи восита, илдизи ва баргидан тайёрланган дамлама сургидори ҳамда ўт ва сийдик ҳайдовчи омил сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, қоқигул илдизидан тайёрланган дамлама ўт пуфаги ва меъда яллиғланишидан жабр чекаётган беморлар учун фойдали. Шунингдек, у бавосилни (геморрой) даволашда ҳам тавсия этилади. Бундай дамлама билан тиш ва томоқ оғриганда оғиз чайқаш, баргини майдалаб узум сиркасига қўшиб сўгалларни кетказиш мумкин. Баргидан олинган шира камқонлик, дармонсизлик ва кўкрак қафаси касалликларини даволашда ёрдам бериши аниқланган.

Илмий тиббиётда қоқигул илдизидан тайёрланган қуюқ экстракт ёки порошок иштаҳа очувчи, овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, ўт ҳайдовчи дори сифатида, анацидли гастритни даволаш учун тавсия этилади. Олимларнинг таъкидлашича, қоқигул илдизлари асосида тайёрланадиган дори изтиробли йўталда балғам кўчирувчи бўлиб хизмат қилиб, чипқон, ҳар хил тошмалар, хуснбузарларга даво бўлади. Қоқигул, шунингдек, қариқиз илдизидан тайёрланадиган дамлама экзема (гуш) учун даво ҳисобланади. Айни баҳор «илик узилди» дамлари қон таркибини яхшилаш мақсадида қоқигул баргларини териб, яхшилаб ювиб, намакобли сувга 30 дақиқа солиб қўйиш керак. Шундан сўнг уни бошқа ошқўқлар билан биргаликда сомса, кўк чучвара қилиб ёки сабзавот ва ошқўқлар билан истеъмол қилинади. Қоқигулнинг қовурилган илдизини кофенинг суррогати (қаҳва ўрнида) сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Сафар МУҲАММАДИЕВ,
доцент.

БИЗДА ҲАМ ШУНДАЙ МАРКАЗ БОР

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази давлат тасарруфидаги йирик тиббий маскан ҳисобланади. Яқинда ушбу марказ жарроҳлик бўлимларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳозирда учта асосий бино — комбустиология, токсикология, жарроҳлик, жонлантириш бўлимлари ва жарроҳлик блоки ишга туширилди. Бу ерда фаолият кўрсатувчи мутахассисларнинг аксарияти ривожланган хорижий мамлакатларда, Санкт-Петербург, Москва шаҳарларида ўз малакаларини ошириб қайтишган.

Илмий марказ мустақиллигимизнинг ўн йиллиги арафасида қуриб битказилиб, тўлиқ фаолият кўрсата бошлайди. Ташҳис хоналари эса Испания, Германия, Исроил, Финляндия ва АҚШ давлатларидан келтирилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Шуниси эътиборлики, «Тез ёрдам» ва республика санитария авиацияси хизматлари ҳам илмий марказ ихтиёрига берилди.

Р.АКБАРАЛИЕВ олган суратлар.

НЕМИС ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

- **Ширин сўз билан яхши жой топасан. Яхши муомала билан яхши йўл топасан.**
- **Соғлом одам — бой одам.**
- **Маслаҳат ва ишда шошқалоқлик зарардан бошқа нарса келтирмайди.**
- **Иззат-ҳурматинг қанча баланд бўлса, қийинчилик ҳам шунча кўп бўлади.**
- **Олов тутунсиз, инсон хатосиз бўлмас.**
- **Балиқ ейиш учун сувга тушиш керак.**
- **Қисқа сўз - яхши сўз.**
- **Ошиқча ҳою-ҳавас азоб-уқубат келтиради.**
- **Қарз бериш дўстликни мустаҳкамлайди, уни сўраш эса дўстни душманга айлантиради.**
- **Севиш ва куйлашга мажбур қилиб бўлмайди.**
- **Яқин кўринган йўл жуда узоқдир.**
- **Қиз севгисиз, бозор ўғрисиз бўлмас.**
- **Ҳақиқат ўтда ёнмайди, сувда чўкмайди.**
- **Касбга меҳр ишни осон қилади.**
- **Бекорчилик ҳамма иллатнинг бошланишидир.**

Тўпловчи:А.АЛИЕВ.

МУАММО ЕЧИМИ — ТАЪЛИМ МУАССАСАСИДА

Ибн Сино халқаро жамғармаси ҳамда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда Охунбобоев номидаги маҳалла гузарида «Гиёҳвандликка қарши кураш — давр талаби» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

— Республикамизда гиёҳвандлик ҳолатлари охирги йилларда узлуксиз ўсаётгани кузатилмоқда, - деди Ибн Сино халқаро жамғармаси раиси ўринбосари, профессор Зуҳра Ботирова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Қон томири орқали қабул қилинадиган героин унинг асосини ташкил этади. Инсон умрининг кушандаси бўлмиш бу одатнинг олдини зудлик билан олиш учун нафақат соғлиқни сақлаш тизими ходимлари, балки маҳалла ва ёшлар ташкилотлари ҳам жиддий эътибор қаратишлари лозим. Аввало ёшларнинг бўш вақтлари бўлмаслигига, қолаверса, турли йўналишларда билим доираларини кенгайтиришга эришиш керак.

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти олимлари М.Турсунхўжаев ва Ш.Тошмуҳамедовлар анжуман иштирокчиларига ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар. «Гиёҳвандликнинг олдини олиш чоралари» ва «Фарзанд тарбиясида она сутининг аҳамияти» мавзуидаги чиқишларда болани гўдаклигидан тўғри тарбиялаш, бундай нозик масалаларда лоқайд бўлмаслик лозимлиги яна бир бор эслатилди.

Келажак авлод бизнинг эртанги кунимиз, суянч тоғларимиздир. Улар иродаси мустаҳкам, соғлом бўлишса, демак, суянч тоғларимиз пурвиқор ва боқий бўлади. Муаммонинг ечими таълим муассасаларида бошланиши керак. Болалар ўртасида турли фойдали тадбирлар ўтказишни режалаштираётган лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Бу соҳада дунё миқёсидаги тажрибаларни ҳам ўрганиш фойдадан холи бўлмайди.

Анжуманда иштирок этган маҳалланинг ёшу қариси соғлом авлодни шакллантиришга қаратилган бундай тадбирлар мунтазам ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлашди. Буларнинг ҳаммаси келажак авлод вакилларининг ҳар томонлама баркамол бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

«ЎЗБЕК ИПАГИ» ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида рақобат муҳитида малакали мутахассисларни ўқитиб етиштириш вазифаси ҳам кўрсатиб берилган. Бу муҳим таълимий жараённи амалга ошириш мақсадида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳам тадбиркорлик билан иш юритилмоқда.

Олий ўқув юртида маркетинг хизматининг йўлга қўйилиши бу соҳада қатор муаммолар ечимини топиш имконини берди. Мутахассисларга бўлган талабни олдиндан белгилаш тизими билан боғлиқ масалалар ҳам ижобий ҳал этилмоқда.

Институт тўқимачилик иқтисодиёти ва маркетинг кафедрасининг изланишлари айниқса самарали бўлмоқда. Ипак технологияси кафедраси билан ҳамкорликда «Ўзбек ипаги» ҳиссадорлик жамияти учун кадрлар тайёрлаш истиқбол режаси ишлаб чиқилди.

Бу ҳужжатда соҳа учун мутахассислар тайёрлашнинг илмий-амалий имкониятлари атрофлича кўрсатиб берилади. Ипак саноати мутахассисларининг ижобий баҳосини олган бу ишланма алоҳида бир рисола ҳолида чоп этилди.

Ҳар иккала кафедра олимлари Ўзбекистонда ипак саноатини ривожлантиришга оид ишланмани ҳам яратдилар.

Футбол

ЙЎҚОТАДИГАН ЭМАС, ТОПАДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ

Орадан бир ҳафтадан зиёд фурсат ўтган эсада, футбол ишқибозлари «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилган Франция-Япония терма жамоалари ўртасида бўлиб ўтган спектакл таассуротлари оғушида яшаётганлари шубҳасиз. Спортнинг якка олишув турларида асло йўл қўйилмайдиган ҳолат юз берди: майдонда гўё вазн жиҳатдан кескин фарқ қилувчи чарм қўлқоп усталари ёхуд курашчилар бир-бирларига рўбарў тургандек кимнинг қўли баланд келиши беллашувнинг илк сонияларидаёқ маълум бўлди қолди. Кутилгани каби Осиё кубоги соҳиби Европа чемпионига ўйинни ҳар жиҳатдан бой берди. Ҳисоб — 0:5!

Беихтиёр хотирамизга бундан бир неча ой муқаддам Ливан майдонларида кечган қитъа биринчилигидаги Ўзбекистон — Япония учрашуви бўй-басти ила гавдаланади. Ўшанда футболчиларимиз йирик мағлубиятга учраб, яқин орада эсдан чиқмайдиган сабоқ олган эдилар. Ана энди французлар японларга қақшатқич зарба бериб, гўё бизга марҳамат кўрсатдилар. Лекин, ўйлаймизки, ўзбекистонлик футбол мухлисларини бу ўйин хумордан чиқаролмади, аксинча, ярага туз сепди. Ахир, Осиё қитъасининг энг кучли жамоаси шу бўлса, бошқа командалардан нимани кутиш мумкин? Ўзбекистон терма жамоаси ҳам худди аксига олгандек Германияга қилган сафарида баъзи ахборот воситаларида гўё вазиятни юмшатиш учун «ўқув-машғулотлари» деб аталган барча учрашувларни жуда бўш савияда ўтказди. Ўртамиёна ва ундан-да пастроқ командалардан енгилди. Бўсағада эса ... жаҳон чемпионати!

Бироз танаффусдан сўнг яна мухлисларни стадионларга чорлаган мамлакат биринчилигининг учинчи тур ўйинларини ана шундай мажҳул кайфият билан кузатишимизга тўғри келди. Эски тос, эски ҳаммом десак ножоиз бўлару, лекин ўтган йилги манзара такроран кўз ўнгимизда зоҳир топди. Икки турдан сўнг карвонбоши бўлиб олган «Трактор» сафардаги илк учрашувдаёқ ўз мавқеини бериб қўйди. Худди ўтган йилдагидек, эҳтимолки, бугунги ўзбек футболида энг барқарор команда бўлмиш «Нефтчи» ёш футболчилардан ташкил топган «Трактор»дан ҳар жиҳатдан устунлик қилди. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди — 5:1.

Шундай ҳисоб Қаршида ҳам қайд этилди. Ҳар қачонгидан шашти баланд «Насаф» Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоасини мағлуб этиб, турнир жадвалида якка пешқадам бўлиб олди. У буни мавсум якунига қадар ушлаб тура олармикан? Ҳар қалай, команданинг мақсади шу — учинчи минг йилликнинг биринчи йилини чемпионлик билан якунлаш! Баҳром Ҳакимов шогирдлари бундай юксак шарафга эриша оладиларми, йўқми, буни вақт кўрсатади.

Бирон-бир хулосани айтишдан олдин эҳтимоллар назариясини ҳам унутмаслигимиз лозим. Зеро, даъвогарлар талайгина. Айниқса, йил бошидаёқ таъкидланганидек, Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси жуда кўпчилик клубларнинг режасини бузиб қўйиш даражасида кучли таркибга эга. Ҳозирча бироз тихирлик қилиб турган механизм ишлаб кетгач, унча-мунча машинани ортда қолдириб кетиши мумкин. Қолаверса, команданинг сафари муваффақиятли бошлангани шундай дейишга асос беради. «Семурғ» ўз майдонида пойтахтлик футболчиларнинг ҳужумкор ўйинига жўяли жавоб топа олмади ва 0:1 ҳисоби тўқсон дақиқа мобайнида ўзгармай қолди.

Бир қанча етакчи ўйинчиларини бошқа жамоаларга «командировка» қилган «Дўстлик» учун чамаси бу мавсум анча оғир кечадиган кўринади. Термизда «Сурхон» билан бўлиб ўтган учрашувда чемпион ўзини кўрсатолмади. Гарчи рақибларни икки марта майдон марказидан ўйин бошлашга мажбур қилган эса-да, ўзи ҳам тўрт марта дарвозасидан тўп олиб чиқди. Беихтиёр савол туғилади: наҳотки, биз яна бир кучли командамизни йўқотиб қўйган бўлсак?

Бу ташвиш бежиз эмас. Чунки бугун биз учун командаларнинг барқарорлигидан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Улар қанча кўп бўлса, шунча яхши. «Самарқанд» ўрнига «Дўстлик»ни, «Дўстлик» ўрнига «Пахтакор»ни, «Пахтакор» ўрнига яна бир бошқа командани топишимиз, бу ҳали ютуқ эмас. Терма жамоамизнинг халқаро миқёсдаги муваффар юриши учун ҳам ички чемпионатимизда кўпроқ кучли командалар тўп суришига эришмоғимиз даркор.

Хуллас, йўқотадиган эмас, топадиган палла келди. Бу яна ўзимизга — футболчиларимизга ва мутахассисларимизга боғлиқ. Мухлислар эса ўз муносабатларини ўйингоҳларга ташрифлари билан мухтасар айтиб қўя қоладилар.

З.РИХСИЕВ.

УЧИНЧИ ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Насаф»	3	3	0	0	8:1	9
2. «Нефтчи»	3	2	1	0	8:2	7
3. «Пахтакор»	3	2	1	0	6:2	6
4. «Навбаҳор»	2	2	0	0	3:0	6
5. «Трактор»	3	2	0	1	8:6	6
6. «Дўстлик»	3	2	0	1	6:5	6
7. «Қизилқум»	3	2	0	1	2:1	6
8. «Бухоро»	3	2	0	1	4:4	6
9. «Самарқанд-Д»	3	2	0	1	5:6	6
10. «Зарафшон»	3	1	1	1	7:4	4
11. «Академия»	3	1	1	1	5:2	4
12. «Металлург»	3	1	0	2	2:3	3
13. «Турон»	3	1	0	2	2:4	3
14. «Сурхон»	3	1	0	2	5:9	3
15. «Андижон»	3	0	1	2	2:7	1
16. «Семурғ»	2	0	0	2	0:3	0
17. «Кимёгар»	3	0	0	3	1:7	0
18. «Сўғдиёна»	3	0	0	3	0:8	0

Ўзбекистон Республикаси Бош ҳисоблаш марказининг 009240 рақамли 18.07.95 йилда «Фреон» фирмасига берилган 170-гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2324. 1 2 3 4 5 6